

2012-yil, 28-yanvar. Shanba

12 (31.444)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

www.uzbekistonovozi.uz

«ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ» МИЛЛИЙ **АВИАКОМПАНИЯСИ** ЖАМОАСИГА

Хурматли дўстлар!

даги қутлуғ сана — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси ташкил этилганининг 20 йиллиги билан чин қалбимдан самимий муборакбод этиш менга катта мамнуният бағишлайди.

Узбекистон фукаро авиацияси ўзининг йигирма йиллик фаолияти давомида замонавий авиакомпания сифатида тикланиш ва шаклланишнинг улкан, мураккаб йўлини босиб ўтди ва бугунги кунда юртимизнинг кўплаб хорижий давлатлар билан самарали хамкорлигини янада кенгайтириш ва алоқаларини мустахкамлашда мухим роль ўйнамокда.

Мамлакатимиз фукаро авиациясини ривожлантириш бўйича чуқур ўйланган, узоқ муддатга мўлжалланган стратегиянинг амалга оширилиши, жамоанинг юксак касб махорати Миллий авиакомпаниямизнинг халқаро авиаташувлар ва техник хизмат кўрсатиш тизимидан муносиб ўрин эгаллашида мухим омил бўлди. Авиация хавфсизлиги ва парвозларни сифатли амалга оширишни таъминлаш, авиация техникасига хизмат кўрсатишда энг илгор технологияларни кенг қўллаш, шунингдек, малакали кадрлар тайёрлаш сохасида эришилган юксак натижалар нуфузли халқаро авиация ташкилотлари томонидан бир неча бор такдирлангани айникса кувончлидир.

Хозирги кунда замонавий хаво кемалари билан таъминланган «Ўзбекистон ҳаво йўллари» дунёнинг 25 75 минг транзит йўналишнинг хаво гизда янги-янги муваффакиятлар тихаракатини бошқармоқда, шунингдек, авиакомпаниямиз таркибида фаолият кўрсатаётган, сўнгги авлод лар хамиша сизларга ёр бўлсин. авиация техникасига техник хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлаш бўйича Марказий Осиё минтакаси-

да ягона бўлган марказнинг хизмат-Барчангизни мамлакатимиз ҳаёти- ларидан кенг фойдаланаёттан 320 та хорижий авиакомпания самолётларига аэронавигация хизмати кўрсат-

> Мамлакатимизнинг барча аэропортлари жахон андозалари даражасида модернизация қилинди. Фақат 2011 йилнинг ўзида 2 миллион 300 минг нафар йўловчи ва салкам 50 минг тонна юк белгиланган манзилларга етказилгани Миллий авиакомпаниямиз қулга киритаёттан ютуклардан яққол далолат беради.

> «Навоий» халқаро аэропорти негизида ташкил этилган ва замонавий аэронавигация ускуналари билан жихозланган Халқаро интермодаль логистика маркази, об-хаво шароити қандай бўлишидан қатъи назар, барча турдаги авиалайнерларни қабул қилиш имконига эгадир.

> Шуни алохида қайд этиш керакки, ўтган йиллар давомида «Узбекистон ҳаво йўллари» авиакомпаниясининг кўпмиллатли жамоаси шаклланди ва камолга етди. Бу жамоанинг фидокорона мехнати, билим ва тажрибаси юртимизда хакли равишда юксак эътироф ва хурматта сазовор бўлмоқда, мамлакатимиз фуқаро авиациясининг янада равнак топишида ишончли пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

Азиз дўстлар!

Барчангизни Миллий авиакомпаниямиз ташкил этилганининг 20 йиллиги билан яна бир бор табриклаб, ўзимнинг самимий хурмат-эхтиромимни изхор этишга, сизларга ва оилалариндан ортик мамлакатига парвозларни гизга сихат-саломатлик, бахту саодат. амалга оширмоқда, йилига қарийб олижаноб ва фидокорона мехнатинлашта ижозат бергайсиз.

Мусаффо осмон ва бахтли парвоз-

Ислом КАРИМОВ. **Ўзбекистон Республикаси** Президенти

■ Тошлок тумани марказий шифохонаси бошланғич партия ташкилотида бўлиб ўтган сиёсий ва фукаролик маърифати ўқувининг навбатдаги машғулоти Президент Ислом Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Махкамаси мажлисидаги маърузасини ўрганишга

бағишланди.

ЎзХДП: Сиёсий ва фукаролик маърифати



ЭРКИН ФИКР АЛМАШИШ ИМКОНИЯТИ

Таргиботчи Собиржон Каримов мавзуни тушунтиришда интерфаол усулдан фойдаланиб, бахсмунозара уюштирди. Унда иштирок этган қирқдан зиёд партия аъзоси ўтган йил эришилган муваффакиятларни ўн йиллик рақамларга солиштириб тахлил қилишди. Собиржон Каримов Фарғона вилояти ва Тошлоқ туманини ижтимоий-иктисодий ривожлантириш дастури, ЎзХДП Харакат дастури ижросига оид маълумотларни ҳам муҳокамага қўйди. Шунда аён бўлдики, ҳали партия фаоллари олдида талайгина, жумладан, касб-хунар коллежи битирувчиларини ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлаштириш масаласида янада фаол ёрдам кўрсатишдек мухим вазифалар турибди.

 Бунда бизнинг иштирокимиз қандай бўлади? — савол ташлади таргиботчи ва ўзи жавоб берди. Янги иш ўринлари яратилишига иктисодий форумлар каби усуллар билан кўмаклашиш, уч томонлама шартномалар ижросини мониторинг килиш ва тегишли тавсияларни ўз вақтида бериб бориш, хар бир битирувчи партиямиз фаолларининг эътиборида эканини сезишига эришиш зарур.

 ЎзХДП Марказий Кенгашида тайёрланган сиёсий ва фукаролик маърифати материаллари бизга жуда қўл келяпти, — дейди туман партия кенгаши раиси Умматали Махмудов. — Биз хар бир мавзуни атрофлича, хаётий мисол ва далиллар билан ўрганяпмиз. Ўқув машгулотларига жамоат ташкилотлари вакилларини хам жалб этдик. «Махалла», «Нуроний» жамғармалари, «Камолот» ЁИХ, «Тадбиркор аёллар» уюшмаси мутахассислари белгиланган дастур асосида иштирок этиб, тингловчилар саволларига жавоб бермокдалар.

ЎзХДП вилоят кенгаши ўкувлар самарадорлигини ошириш максадида машгулотларни хар бир шахар ва туманда ўнтадан худудий БПТ танлаб олиб, унинг ахборот-ресурс марказида кўргазмали жихозлар, замонавий технологик воситалар ёрдамида ташкил этяпти. Айниқса, вилоят кенгашида ишлаб чиқилган ва тарқатилган слайдлардаги тахлиллар тингловчилар эътиборини тортмокда. Янги йил арафасида эса Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон мустакилликка эришиш остонасида» китоби сиё-

сий ва фукаролик маърифати ўкуви иштирокчиларига етказилди.

– Биз шахар ва туманларда минтақавий намунали ўқувларни ташкил этяпмиз. Масалан, Данғарада бўлиб ўтган ана шундай ўқувга қўшни туман партия етакчилари ва таргиботчиларини таклиф қилдик. Бунда нафақат ўқувни ташкил этиш тажрибаси, балки машгулот технологияси хам ўрганиляпти, — дейди вилоят партия кенгаши раисининг ўринбосари Зиёдахон Абдуллаева.

Бу каби минтакавий ўкувлар Учкўприк, Фаргона туманлари, Кўқон, Марғилон шахарларида хам бўлиб ўтди. Яна бир ўзига хослик шундаки, сиёсий ва фукаролик маърифати ўкуви партия фаолларининг ёши ва қизиқишига қараб тоифаланяпти. Масалан, аксарият ёшлар ёки аёллар иштирокидаги машгулотларда бахс-мунозара мавзуси уларнинг маънавий эхтиёжига қараб танланди.

Илгари умумий мавзу доирасида ўқиб-ўргансак, энди «Депутат бўлиб сайлансам, ишни нимадан бошлар эдим?», «Ёш сиёсатчининг бирламчи вазифа ва максадлари», «Мен нима учун ЎзХДП-

га аъзо бўлдим?» каби қизиқарли савол-жавоблар машгулотнинг ажралмас қисмига айланди, дейди Кувасой шахар «Истикбол» ёшлар қаноти раиси Дилобар Мирзаева.

— Янги йилга Мустахкам оила йили деб ном берилиши муносабати билан биз махалла фукаролари йигини раислари, фукаролик холатини қайд этиш бўлими мутахассислари, олтин тўйни нишонлаган онахонларни хам айрим машгулотларимизга таклиф этяпмиз. — дейди вилоят кенгаши «Фаол аёллар» қаноти раиси Манзура-

хон Эргашева. Дархақиқат, сиёсий ва фуқаролик маърифати ўкувлари қатъий белгиланган мавзуда, лекин зерикарли маъруза усулида эмас, балки фикр-мулохазаларни эркин ифода қила олиш имкониятини берувчи ва интеллектуал ривожланишга хизмат қилувчи мунозаралардан иборат бўлмоги лозим. Ана шунда партия дастурий вазифаларини амалга оширишга муайян хисса қўшиш мумкин.

Мухаммаджон ОБИДОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Узбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

«ЎЗБЕКИСТОН ХАВО ЙЎЛЛАРИ» МИЛЛИЙ АВИАКОМПАНИЯСИНИНГ 20 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ГУРУХ ХОДИМЛАРНИ МУКОФОТЛАШ ТЎГРИСИДА

Мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, миллий авиациямизни халқаро стандартларга мувофиқ равишда ривожлантириш, шу сохадаги ислохотларни муваффақиятли амалга оширишга қушган муносиб ҳиссаси ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвон берилсин:

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган

фукаро авиацияси ходими» Алмамедов Алиджон Инаятович — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси бош директорининг ўринбо-

Гурфинкель Станислав Михайлович – «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси бош штурмани

Мавлянкулов Махамедамин Рахимович — «Ўзбекистон хаво йўллари» Миллий авиакомпанияси Учувчилар мажмуаси «Боинг» хаво кемасининг командири

Кўп йиллик самарали мехнати, фукаро авиациясини замонавий талаблар асосида ривожлантириш, илгор технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш ҳамда малакали мутахассислар тайёрлаш борасида эришган ютуқлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

«Фидокорона хизматлари учун» ордени билан

Тян Валерий Николаевич — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси бош директори

«Мехнат шухрати» ордени билан

Бахронов Тохир Саидович — «Ўзбекистон хаво йўллари» Миллий авиакомпанияси «Бухоро» халқаро аэропорти ди-

ректори Исмоилов Илхом Рузимович — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси Учувчилар мажмуасининг «Боинг» ҳаво кемаси командири

Каримов Равиль Анварович — «Ўзбекистон хаво йўллари» Миллий авиакомпанияси «Uzbekistan airways technics» авиакорхонаси Ғарбда ишлаб чиқарилган самолётларга техник хизмат кўрсатиш маркази цех бошлигининг ўринбосари

Нурматов Дилшатжон Ахматович — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси Махсус авиация ишлари компанияси Қарши авиазвеносининг командири

«Дўстлик» ордени билан

Белцос Иван Димитрис — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси «Uzbekistan airways technics» авиакорхонаси Ғарбда ишлаб чиқарилган самолётларга техник хизмат кўрсатиш марказининг мухандиси

Зак Иосиф Эдуардович — «Ўзбекистон хаво йўллари» Миллий авиакомпанияси Ўқув-машғулот марказининг катта учувчи-йўрикчиси

Рахимова Назира Рустамовна — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси Учувчилар мажмуасининг борт кузатувчи-йўрикчиси

Станкевич Андрей Викторович — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси Учувчилар мажмуасининг «RJ-85» ҳаво кемалари бўйича учувчийўрикчиси

«Шухрат» медали билан

Алламбергенов Жанабай Калибаевич — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси Махсус авиация ишлари компаниясининг Нукус авиация-техника базаси участка бошлиги

Гвоздев Владимир Александрович — «Ўзбекистон хаво йўллари» Миллий авиакомпанияси Учувчилар мажмуасининг **УЧУВЧИ-ЙЎРИКЧИСИ**

Джафаров Наджаф Икрамович — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси «Ўзаэронавигация» марказининг радиолокация, радионавигация етакчи мухандиси

Забиров Ильяс Ризаевич — «Ўзбекистон хаво йўллари» Миллий авиакомпанияси Учувчилар мажмуаси «А-310» ҳаво кемасининг командири

Закиров Дилшод Тулкунович — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси Учувчилар мажмуаси «Боинг» хаво кемасининг командири

Ибрагимов Илхам Каримович — «Ўзбекистон хаво йўллари» Миллий авиакомпанияси Махсус авиация ишлари компанияси учувчилар отряди командирининг ўринбосари

Юнусов Талъат Тулкунович — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси «Uzbekistan airways technics» ган компонентларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш мажмуасининг чилангари

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шахри, 2012 йил 27 январь и.каримов



ВАТАНИМИЗНИНГ ҚУДРАТЛИ ҚАНОТЛАРИ

«Туркистон» саройида «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди

Президентимиз Ислом Каримовнинг фармонига биноан 1992 йил 28 январда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси ташкил этилди. Мустақиллик йилларида Миллий авиакомпаниямиз халқаро ташишлар бозорида рақобатбардошлигини намоён этибгина қолмай, мижозларнинг ишончини қозониш ва ўз фаолияти кўламини сезиларли даражада кенгайтиришга эришди.

Пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясининг 20 йиллигига бағишланган

тантанали йигилиш бўлиб ўтди. Унга фукаро авиацияси сохаси рахбарлари ва илгорлари, парламент аъзолари, давлат ва жа-

тимизда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус вакиллари таклиф этилди.

моат ташкилотлари, мамлака-

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси жамоасига табригини Президентнинг Давлат маслахатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттир-

(Давоми 2-бетда.)

2012-yil, 28-yanvar. Shanba

ВАТАНИМИЗНИНГ ҚУДРАТЛИ ҚАНОТЛАРИ

«Туркистон» саройида «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди

қартирилган минимуми (RVSM)

жорий қилинди. Бунинг учун те-

гишли техник жихозлаш ишла-

ри амалга оширилиб, RVSM хо-

димлари ва йўрикчилари ўки-

тилди. Бошқача айтганда, ушбу

тизим жорий қилиниши натижа-

сида мамлакатимиз хаво худу-

дидан фойдаланиш самарадор-

лиги янада ошди, хаво трасса-

ларида аввалгидан кўпрок са-

молётларни ўтказиш имкония-

Энг замонавий ускуналар би-

лан жихозланган ўқув-машғулот

марказининг тренажер комп-

лекси фаолияти йўлга қўйил-

мокда. Янги комплексда Мил-

лий авиакомпаниямиз учувчи-

лар таркиби назарий тайёргар-

ликдан ўтади ва тренажерлар-

да машқ қилади. Бу эса мил-

лий мутахассисларни тайёрлаш

жараёнида валюта маблаглари-

ни тежаш хамда бошқа авиа-

компанияларга хизмат кўрсатиш

орқали қўшимча даромад олиш

Яна шуни қайд этиш зарурки,

ўтган 20 йил давомида компа-

ниянинг кадрлар таркиби бутун-

лай янгиланди. Илгари учувчи-

лар таркибида миллий кадрлар

деярли йўқ эди. Хозир экипаж-

ларнинг асосий таркибини ма-

халлий миллат вакиллари таш-

кил этади. Улар учувчилик, му-

хандислик, бортпроводниклик

касбларини пухта ўзлаштирган

бўлиб, бир неча хорижий тил-

ларни билади. Кўпчилиги юқори

тоифали мутахассис-йўрикчи

даражасини эгаллаган ва энди-

ликда ёшларга махорат сирла-

рини ўргатмокда. Бунга 2007

йилда Ўзбекистон Қахрамони

унвонига сазовор бўлган «Бо-

инг» учувчилар отрядининг учув-

чи-йўрикчиси Зархўжа Сайдази-

мов фаолияти яккол мисол бўла

Эндиликда авиакомпания са-

молётлари Европа, Осиё, Аме-

риканинг қирқдан зиёд шахар-

ларига парвоз килмокда. Токио ва Нью-Йорк, Лондон ва Париж,

Пекин ва Рим, Дехли ва Дубай,

Сеул ва Тель-Авив... Юртдош-

ларимиз берилган бундай им-

имконини беради.

ти яратилди.

Йигилишда компания эришган ютуклар ва тўпланган бой тажриба. Миллий авиакомпания инфратузилмасини модернизация қилиш босқичлари, сохага жорий этилган техник ва технологик янгиликлар ҳақида сўз борди. Президентимиз Ислом Каримовнинг узоқни кўзлаб юритган сиёсати самарасида ўтган давр мобайнида сохада кенг кўламли ишлар амалга оширилгани, мамлакатимиз фукаро авиациясининг яхлит тизими шакллантирилгани қайд этилди.

Давлатимиз рахбарининг хар томонлама қўллаб-қувватлаши туфайли фукаро авиацияси сохасида барча тузилмаларнинг аник максадли ва кўп киррали фаолияти йўлга кўйилди. Бу эса компания зиммасига юклатилган барча вазифаларни самарали ҳал этиш имконини бермоқда. Ишлаб чиқариш ва молиявий кўрсаткичлар, йўловчиларга хизмат кўрсатиш даражаси ошмокда, аэропортдар ва бошқа объектларнинг технологик базаси муттасил янгиланмокда хамда технологик жихозланиши такомиллаштирилмоқда.

Энг мухими, йигирма йил давомида барча тармоқлар изчил ва барқарор ривожланди. Авиапаркнинг янгиланиши аник максадли равишда амалга оширилмокда, парвозлар жараёни такомиллаштирилмокда, янги терминаллар ишга туширилмокда, учиш-қўниш полосалари модернизация қилинмоқда, корхоналарни техник жихозлашга катта ахамият берилмокда ва ходимларни тайёрлаш ишлари изчил олиб борилмокда. Ривожланишнинг барча босқичларида парвозлар хавфсизлигига ва йўловчилар учун барча қулайликларни яратишга алохида эътибор каратилмокда

Миллий авиаташувчи мақомини олганидан сўнг уч ой ўтиши билан Миллий авиакомпаниямиз Халкаро фукаро авиацияси ташкилотида (ІСАО) рўйхатдан ўтди ва ўзининг НҮ кодини расмийлаштирди, жахон бронлаш тизимига рейслари хакидаги маълумотларни жойлаштирди.

Мустақиллик йилларида самолётлар парки бутунлай янгиланди. Бугун компания авиапаркини «Боинг»-757/767, A-320, A-310. Ri-85 ва мамлакатимизда ишлаб чикарилган Ил-114-100 каби замонавий хаво кемалари ташкил этади. Авиапаркни самолётларнинг янги авлоди билан тўлдириш давом этмоқда. Хозирги кунда Airbus туркумига кирувчи ўнта А-320 самолёти халқаро ва махаллий йўналишларда парвозларни муваффакиятли амалга оширмокда. Яқин кунларда «Тошкент» аэропортига Миллий авиакомпаниямиз буюртмалар портфелига кирувчи янги В-767 самолёти келиб қўнади. Истиқболда

(Давоми. Боши 1-бетда.)



учта В-767 ва иккита В-787 Dreamlier самолётларини харид килиш режалаштирилган

Авиакомпания томонидан мавжуд аэровокзал комплекслари, хаво кемалари учун мўлжалланган ангарлар реконструкция қилинди, янгилари барпо этилди. Бутун мамлакат бўйлаб хаво харакатини бошқариш тизими модернизация қилинди, юқори малакали кадрларни тайёрлаш бўйича ўз базаси, шунингдек, тарифлар ва чегирмаларнинг мослашувчан тизими яратилди. Сифат менежменти тизими жорий қилинди, ҳаво кемаларини таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш бўйича барча мураккаб жараёнлар ўзлаш-

Мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида юксак технологиялар ва барча шартшароитлар билан таъминланган «Тошкент-3» махаллий хаво йўлларининг янги йўловчи терминали фойдаланишга топширилди. «Бухоро» халқаро аэропортида соатига 400 нафар йўловчини ўтказиш имконига эга замонавий терминал фаолият кўрсата бошлади, унда халқаро стандартлар бўйича барча хизмат турлари кўзда тутилган. «Нукус» аэропортида техник жихатлари барча халқаро стандартларга мос учиш-қўниш йўлагининг реконструкцияси якунланди. У хам Шарқ мамлакатлари, ҳам Ғарб мамлакатларида ишлаб чиқарилган хаво кемаларини қабул қилиш имкониятига эга.

Жанубий Кореянинг «Кореан эйр» авиакомпанияси билан хамкорликда халқаро «Навоий» аэропорти негизида йирик интермодал логистика маркази ташкил қилинди. Унда кунига 300 тоннагача юкни кабул килиш, саклаш ва жўнатиш имкониятига эга юк терминалидан фойдаланилмокда. Бу йил Навоий хаво бандаргохида соатига 400 йўловчини ўтказиш имкониятга эга янги йўловчи аэровокзали очилади.

2011 йил ноябридан Ўзбекистон хаво худудидан янада самарали фойдаланиш учун вер-

кониятлардан мамнуният билан фойдаланмокда. Рейслар географияси мунтазам равишда кенгайиб бормокда. Миллий авиакомпаниямиз

таркибидаги «Uzbekistan Airways Technics» авиакорхонаси фаолиятини хам алохида таъкидлаш жоиз. Ўз ишлаб чиқариш қувватларини тобора ошириб бораётган ушбу корхона бугун нафақат «Ўзбекистон ҳаво йўллари» самолётларига, балки хорижий авиакомпаниялар хаво кемаларига хам барча турдаги техник хизматларни кўрсатмоқда. Техник хизмат кўрсатишнинг юкори сифати ва янги хизмат турларини ўзлаштириб бораётган авиакорхона ходимларининг юкори малакаси тегишли халкаро сертификатлар билан тасдикланган.

Миллий авиакомпаниямизнинг Sky Team халкаро авиация альянсига аъзо бўлиши борасидаги ишлар ҳам изчил давом эттирилмокла

Компания хизмат кўрсатиш сифатини ошириш бўйича муттасил изланиш олиб бормокда. Шу мақсадда электрон чипталар тизими муваффакиятли жорий қилинди, мижозларнинг истагига кўра чипталарга буюртма бериш, уларни уйга ёки кўрсатилган шахсга етказиб бериш мумкин. Аэровокзал комплексларида ва уларнинг ён-атрофидаги худудларда кенг қулайликлар яратилган. Бортдаги овкатланиш сифатига алохида эътибор қаратилмоқда. Йўловчилар учун мўлжалланган таомлар турлари мунтазам янгиланиб туради. Миллий авиакомпаниянинг «Кетрин» унитар корхонаси иссик ва совук таомларнинг минглаб порцияларини тайёрлаш, барча авиалиниялар самолётларига турли хил ичимликлар ва меваларни етказиб бериш имкониятига эга. Уч юздан зиёд таом турлари «Глобал тест» мувофиклик

сертификатини олган. Авиакомпания жамоаси шонли юбилейни муносиб кутиб олмокда. Буни қуйидаги рақамлар яққол тасдиқлайди. 2011 йил иш натижаларига кўра «Ўзбекистон хаво йўллари» самолётлари томонидан 24 437 рейс амалга оширилган. Бу эса 2010 йилдагига нисбатан 889 та кўпдир. 2 миллион 322 минг нафар йўловчи, яъни 2010 йилга нисбатан 155.8 минг нафар кўп йўловчи ташилган. Юк ташишлар кўрсаткичлари хам ортган. 2011 йилда қарийб 50 минг тонна юк ташилган. Фақат «Навоий» аэропорти оркали 20,7 минг тонна юк ташилган.

«Ўзбекистон хаво йўллари» Миллий авиакомпанияси 20 йил давомида босиб ўтган йўлга назар ташлар эканмиз, шуни таъкидлаш керакки, мутахассисларнинг юксак касб махорати ва фидокорона мехнати миллий авиаташувчимизга парвозлар хавфсизлигини таъминлаш. жахон хамжамияти эътирофига сазовор бўлиш ва мижозларнинг ишончини қозониш имконини берди. Ўз фаолияти давомида Ўзбекистон авиакомпанияси шундай юксак натижаларга эришдики, уни ҳақиқатан ҳам, келажак сари қўйилган мухим қадам, дея бахолаш мумкин.

Авиакомпания ҳаётининг ҳар йили ривожланиш ва гуллабяшнаш босқичлари бўлмокда. Миллий авиакомпаниямизнинг барча таркибий тузилмалари белгиланган тартибда фаолият кўрсатиб, авиатранспорт қатновларининг барқарорлиги ва ишончлилиги таъминланмокда.

Шуни фахр билан таъкидлашимиз мумкинки, авиакомпания жамоаси юбилейни ишлаб чикариш вазифаларини муваффақиятли бажарган, ўз бурчига садоқатини намойиш этган холда қарши олмоқда. Истиқболда янги лойихалар, вазифа ва максадлар кутмокда. Айни пайтда авиакомпания жамоаси парвозларнинг юксак даражали хавфсизлиги ва кўрсатилаётган хизматларнинг юкори сифатини таъминлашдек мухим тамойилларга содиқ қолади. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси қудратли, барқарор ва ишончли авиаташувчи сифатида жахон бозоридаги етакчи мавкеини саклаб колишига шуб-

Давлатимиз рахбарининг 2012 йил 27 январдаги «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясининг 20 йиллиги муносабати билан қабул қилинган фармонига мувофиқ, компаниянинг бир гурух ходимлари фахрий унвон, орден ва медалларга сазовор бўлди. Йиғилишда уларга Ватанимизнинг ана шу юксак мукофотлари топширилди.

Йиғилишда сўзга чиққан «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси бош директори В.Тян, авиакомпания Учувчилар мажмуаси «Боинг» хаво кемаси командири М.Мавлянкулов, «Uzbekistan airways technics» авиакорхонаси Fapбда ишлаб чикарилган самолётларга техник хизмат кўрсатиш маркази цех бошлиғининг ўринбосари Р. Каримов ва бошқалар **Узбекистон Республикаси Пре**зиденти Ислом Каримовга сохага кўрсатаётган доимий эътибори ва ғамхўрлиги, уни янада жадал ривожлантириш борасида яратилган шарт-шароитлар учун самимий миннатдорлик изхор этдилар.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали йигилиш санъат усталари ва бадиий жамоалар иштирокидаги байрам концерти билан якунланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Э.Боситхонова, У.Розукулов, Б.Зокиров иштирок этди.

Виктор НИКОЛАЕВ. ЎзА мухбири.

2012 йил — Мустахкам оила йили

олади.

ЖАМИЯТ ПОЙДЕВОРИ

«Оила соғлом экан — жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан – мамлакат барқарор». Президентимизнинг оила ҳақидаги пурхикмат бу сўзлари замирида мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг ижтимоий йўналтирилганлиги, уларда исло**хот** — ислохот учун эмас, балки инсон учун деган чуқур фалсафа ётганини англайсиз. Юртимизда ислохотлар бошланган илк кунларданоқ баркамол авлод тарбияси давлат сиёсати даражасига кўтарилди, бунинг учун улкан молиявий ресурслар жалб этилиб келинаётгани хаммамизга яхши маълум.

Бугунги кунда «ўзбек модели» деб кенг эътироф этилаётган тараққиёт йўлининг асосий тамойилларидан бири кучли ижтимоий сиёсат бўлиб, бу, ўз навбатида, жамиятнинг асосий бўғини бўлган оиланинг доимо давлат химоясида бўлиб қолишини, уни иктисодий, маданий ва маънавий томондан қўллаб-қувватлаш давлат сиёсатининг мухим йўналишларидан бири эканини билдиради.

Шу билан бирга, бугунги кунда, давлатимиз рахбари Конституциямизнинг 19 йиллик байрамида айтганидек, оила институтини янада мустахкамлаш, бу борада олиб борилаётган ишларни янги босқичга кўтариш мухим ахамият касб этади.

Асосий қонунимизда оила институтига алохида боб ажратилган, унинг ижтимоий мақоми аниқ белгилаб қўйилган. Жумладан, 63-моддага кўра: «Оила жамиятнинг асосий бўгинидир хамда жамият ва давлат мухофазасида бўлиш хукукига эга».

Шу асосда, мустақиллик йилларида Оила, Уй-жой кодекслари ва бошқа зарур конун хужжатлари кабул килиниб, бу борада хуқуқий пойдевор яратилди.

Таъкидлаш лозимки, қонунларимиз оилани ҳар томонлама ўз муҳофазасига олиши билан бирга, фукаролар зиммасига хам маълум бир бурчни юклайди. Хусусан, «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хукукбузарликларнинг профилактикаси тўгрисида»ги Конуннинг 7-моддасига кўра. ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар таълим муассасаларида ўқиётган вояга етмаганларнинг ўқиш вақтида ресторанлар, кафелар, барлар, клублар, дискотекалар, кинотеатрлар, компьютер заллари, Интернет тармогидан фойдаланиш учун жихозланган хоналарда ёхуд бошқа кўнгилочар (дам олиш) жойларда бўлишига йўл кўймасликлари лозим.

Қонуннинг бу талабига оғишмай риоя этиш вояга етмаганларнинг

хавфсизлигини, хаёти ва соглиги мухофаза килинишини, уларнинг маънавиятини асрашга хизмат қилади.

Мустахкам оила йилида хар бир соха вакилида бўлгани каби ҳуқуқшунослар олдида хам мухим хаётий вазифалар турибди. Булар, аввало, қабул қилинадиган қонун ҳужжатларида бугунги ва эртанги кун талаблари акс этишига хисса қўшиш, уларнинг **хаётга жорий этилишини** таъминловчи хукукий механизмларни ишлаб чиқиш, шунингдек, янги қонунқоидаларнинг мазмун-мохиятини ахолига кенг тушунтириб беришдан иборат.

Хулоса ўрнида айтиш керакки, Мустахкам оила йили хар бир инсондан оиласи мўътабарлиги, ўғил-қизлари хушхулқлиги, жамият покизалиги учун курашиб яшашни талаб этади. Фуқаролар мана шу максад атрофида жипслашса, келажак нурли бўлади.

> Ойбек ХАКИМОВ, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари.

Такдимот

ЁШЛАР ТЕАТР СТУДИЯСИ

Наманганда Алишер Навоий номидаги вилоят мусикали драма театри қошида очилган «Ёшлар театр студияси»нинг тақдимоти бўлиб ўтди. Унда Иномжон Турсунов ва Насрулло Қобул асари асосида тайёрланган «Адашганлар» номли спектакль студиянинг илк ижод махсули сифатида томошабинлар эътиборига хавола этилди.

Наманган миллий хунармандчилик ва хизмат кўрсатиш коллежи ўқитувчиси Мамлакат Жўраева томонидан сахналаштирилган спектаклда ролларни мазкур ўқув даргохининг «Актёрлик санъати» йўналишида тахсил олаётган талабалари ижро этишди. Еш истеъдод эгалари гиёхвандлик, одам савдоси каби қабих иллатлар таъсирига тушиб қолған, адашған тенгдошлари образларини талқин қилишди.

Айни пайтда «Ёшлар театр студияси» ижодкорлари Ўзбекистон саньат арбоби Карим Йўлдошев рахбарлигида бугунги куннинг энг долзарб мавзуларида янги-янги сахна асарлари яратиш устида изланиш олиб бормокда.

Носиржон ДЕХКОНОВ




САНКЦИЯ БОИС

2 миллиард долларлик зарар кўрди

Маълумки, Европа Иттифоки ўтган йили Сурияга нисбатан иктисодий санкция жорий этган эди. Унга амал қилган холда Европа Иттифоки Суриядан нефть сотиб олишни тўхтатди. Бу эса Сурия иқтисодиётига катта зарар келтира бош-

Сурия нефть ва минерал ресурслар вазири Суфьян Аллаунинг маълум килишича,



Вазирнинг айтишича, Европа компаниялари нафакат нефть сотиб олишни тўхтатди, балки суриялик мутахассислар билан ҳамкорликда нефть ва газ захираларини қидириб топиш, кон қазиш ва қайта ишлашга хам чек қўйган.

Маълумотларга қараганда, Европа Сурия нефтининг асосий қисмини, яъни бир кеча-кундузда 130 минг баррелгача нефть хомашёси сотиб олар эди.

ЯКИН 4 ЙИЛ ОРАЛИГИДА

яна кучли зилзила...



Япония сейсмологлари мамлакатни яна бир табиий офат синовдан ўтказиши хақида маълум қилдилар.

Мамлакатнинг «Yomiuri Shimbun» газетаси хабар қилишича, аввал баён этилганидек, 30 йил оралиғида эмас, балки яқин 4 йил ичида 7 магнитудага тенг кучланишда яна зилзила юз бериши 70 фоиз аникликда тах-

мин қилинмокда. Токио университети қошидаги Фаол сейсмик тадқиқотлар

маркази экспертлари мазкур табиий офат эпицентри Токио шахри бўлишини айтмокда.

ҚУЁШ БАТАРЕЯЛАРИ **КУРИШ УЧУН**

3 миллиард доллар сарфланади

Дубай маъмурияти 48 квадрат километр майдонда умумий бахоси 12 миллиард дирхам (3 миллиард доллар)га тенг куёш батареялари комплексини кур-

Сув ресурслари ва электроэнергия бўйича бошқар-

мадан олинган манбаларга асосланиб «Gulfnews» АА хабар беришича, бу комплекс минг мегаватт қувватда электр энергия ишлаб чиқаради

Бирлашган Араб Амирликлари хукумати мазкур қурилиш орқали мамлакатнинг электр энергияси импортини камайтириш билан бирга, экологик тоза энергияга эга бўлмокчи.

Дубай 2030 йилга бориб электр энергиясига бўлган эхтиёжнинг 5 фоизини айнан қуёш батареялари орқали олинган энергия хисобига қопламоқчи. Бундан ташқари, 12 фоиз энергия АЭСлардан, яна шунчаси кўмир, қолгани газ хисобига ишловчи электр станциялардан олинади.

ИШ ВАҚТИДА

чекиш учун танаффус эълон қилишни тақиқлаш таклиф этилди



Германия кичик ва ўрта бизнес корхоналари федерал уюшмаси президенти Марио Охофен иш вақтида чекиш учун ишни тўхтатиш «анъанаси»ни такиклаш бўйича ўз таклифини илгари сурди.

«Перекур» вақти корхоналар, умуман, ишлаб чиқариш учун кимматга тушмокла. У иш жараёнига факат салбий таъсирини кўрсатади. Шу боис иш вақтида сигарет тутунини бурқситиш учун «перекур» қилишдан воз кечиш лозим, деди М.Охофен. У бу борада Швециядан ўрнак олишга чақирди. Швецияда «Иш вақтида чекиш йўқ» принципи бўйича иш кўришади, дейилади «Bild» газетаси тарқатган хабарда.

Германия тадбиркорлар уюшмаси раиси Урсула Фрерихс хам бу таклифни қўллаб-қувватлади. «Иш вақтида чекиш учун танаффус эълон қилиш фақат корхоналар манфаатига зиён етказибгина қолмай, балки чекмайдиганлар учун ҳам зарар келтиради», деди у.

АРКТИКАДА ЧУЧУК СУВ

10 фоизга кўпайган

Британия океаншунослик миллий маркази олимларининг 1995 йилдан 2010 йилгача ўтказган тадкикот натижаларига асосланиб Европа космик агентлиги сайти хабар беришича, Шимолий муз



океанидаги чучук сув хажми кейинги 15 йилда 10 фоизга

Сунъий йўлдош орқали мониторинг маълумотларида қайд этилишича, Канада архипелаги (бир-бирига якин ороллар гурухи) дан Ғарбга чўзилган худуд сувликлари сатхи 15 сантиметрга кўтарилган. Ушбу худудда чучук сув хажми 8 минг куб. километрга ортган. Бу Шимолий муз океанидаги чучук сув хажмининг ўндан бир қисмига тенгдир.

«Nature Geoscience» журнали сайтида эълон қилинган тадқиқот натижаларида баён этилишича, мазкур қутб худудида кузатилаётган океан суви айланишини таъминловчи Арктика шамоли йўналишининг ўзгариши Бофорт халқа оқими (Шимолий муз океанидаги айланма оқим) тизимига акс таъсир этиб, чучук сувларни Атлантика океанига йўналтириб юбориши мумкин. Бу эса иқлим мувозанатини ушлаб турувчи Гольфстрим оқимига ҳам таъсир этиши ва охир-оқибат Европа иклимининг совиб кетишини юзага келтириши эхти-

ЮКСАК МАЪНАВИЯТ ҚЎРГОНИ

Инсон ўзини бахтли хис қилиши учун кўп нарса керак эмас, аслида. Бироқ одамзот дунёга келибдики, саодат излаб яшайди. Шу йўлда ўз ҳаётини, отамерос қадриятлару тутумларни тафтиш этади, гохида тузади, гохида бузади. Эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги курашнинг ўлчаму мезонлари ўзгарса-да, мохияту муддао барибир оилага бориб туташади. Боиси инсон топгану бой берган барча нарса аввало унинг оиласи, улғайган муҳити ва олган тарбияси ҳосиласидир.

«Бу ёруг дунёда хаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, фарзанд деб аталмиш бебахо неъмат бор. Фарзанд бор экан, одамзот ҳамиша эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди», деб таъкидлайди Президентимиз Ислом Каримов «Юксак маънавият енгилмас куч» китобида.

Дархақиқат, оила ҳаёт абадийлиги ва авлодлар давомийлигини таъминловчи кадриятлар бешиги, келажак насллар учун бетакрор тарбия кўргонидир. Шу боис хам мамлакатимизда барча хайрли ишлар аввало оилаларни мустахкамлаш ва ёш авлоднинг ёруг келажагини таъминлаш учун амалга оширилмокда. Зеро, оила соғлом экан, жамият мустахкам, жамият мустахкам экан, мамлакат барқарордир.

ОИЛА ФАРОВОН — ЭЛ-ЮРТ ТЎКИС

Президентимиз рахбарлигида истиклолнинг илк кунларидан бошлаб оилаларни согломлаштириш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Зеро, жамиятнинг дастлабки ва асосий бўгини мустахкам бўлишига эришиш барча эзгу мақсадларнинг бош омили. Ижтимоий тарбия оиладан бошланади.

Узбекистон Республикаси Конституциясида оилавий муносабатларга алохида боб бағишланиб. оиланинг ижтимоий мақоми аниқ белгилаб қўйилган. Шу асосда Оила, Фукаролик, Уйжой кодекслари қабул қилинган. Уларда оила, оналик ва болалик жамият ва давлат мухофазасида бўлиши кафолатлангани, ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга, вояга етган, мехнатга лаёкатли фарзандлар хам ўз ота-оналари хақида ғамхўрлик қилишга мажбур эканликлари белгилангани юртимизда оила қонунчилиги халқимизнинг тарихий тажрибасига таянган холда яратилганидан далолат.

Давлатимиз рахбари 2011 йил якунларига бағишланган Вазирлар Махкамаси мажлисидаги «2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади» маърузасида мамлакатимизда ахолининг реал даромадлари 2011 йилда 23,1 фоизга ортгани, унинг 47

фоизи тадбиркорлик фаолиятидан олинаётганини мамнуният билан таъкидлади. Шунингдек, 1 миллионга якин иш ўрнининг 68 фоиздан кўпроги кишлок жойларда, 64 фоиздан зиёди эса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик сохасида яратилди.

Шу рақамларнинг ўзиёқ мингминглаб оилалар фаровонлиги ошаётганидан, боқимандалик асоратидан халос бўлган хамюртларимиз ўз уйини обод, дастурхонини тўкин қилиш аввало ўзига боглиқ эканини, бунинг учун етарлича шароит ҳам, имконият хам борлигини англаб етаётганидан далолатдир.

Халқимизнинг онги, дунёқараши, ҳаётга муносабати ўзгарганининг яққол ифадасидир бу.

— Юртбошимизнинг маърузасида бу йил кичик бизнес субъектлари учун ягона солиқ тўлови ставкаси 6 фоиздан 5 фоизга туширилишини ўқиб, рухланиб кетдим, — дейди охангаронлик тадбиркор Отабек Абдурахмонов. — Хизмат кўрсатиш корхонаси ташкил этдим, банкдан кредит оляпман. Бугун мамлакатимизда ҳаракат қилган барака топяпти. Мен ташкил этган корхона — оилам, фарзандларим келажагини таъминлаш учун бир восита, ишимнинг қандай ривож топиши энди ўзимга, интилишимга, яратилган кенг имкониятлардан қандай фойдаланишимга боглик.

КАДРИЯТЛАРИМИЗ ХАЗИНАСИ

«Қуш уясида кўрганини қилади». «Игна қаёққа юрса, ип ҳам шу ёққа юрар». «Сут билан кирган жон билан чиқар»... Бу хикматларни кимдир кеча ё бугун тўкигани йўқ, албатта. Бу халқимизнинг неча асрлик хаётий хулосаси, йўлу манзилдаги тўхтами, турмуш ва тафаккур тарзи ифодасидир.

Боболаримиз оққан дарё оқаверишига эришишни чин саодат санашган.

Узбек оиласи купмингйиллик миллий шаклланиш боскичларини босиб ўтган қадриятларимиз хазинасидир, — дейди педагогика фанлари номзоди Даврон Холиқов. — Никохнинг муқаддаслиги, оилавий муносабатларни ота-онани улуглаш. фарзандлар тарбияси, одобахлоқ, андиша, вафо, садоқат, шарм-ҳаё, ҳалоллик, покизалик асосига қуриш фақат шарқона хаёт фалсафасига хос. Аждодларимиз хаё-иффатли, эрига ва оиласига садокатли аёллар учун махсус байрамни нишонлашгани, «Авесто» даги ибтидоий оила коидаларида соглом ва покиза насл давомийлигини таъминлаш бирламчи вазифа этиб белгилангани, муқаддас динимиз асоси Куръони Каримда никох-оила муносабатларига доир мукаммал тартиб-қоидалар тизими нозил этилгани бунинг далилидир.

Абу Райхон Беруний оила барқарор бўлиши учун «эр ва хотин ўз хирсининг маънавий шифокори бўлиши лозим»лигини уқтирса, Абу Али ибн Сино оила бахтини севги-мухаббатда кўради. Сохибкирон бобомиз Амир Темур фарзанду невараларига келин ё куёв танламоқни давлат юмушлари билан тенг билгани тарихдан маълум. Буларнинг барчаси аждодларимиз мамлакат тараққиёти ва эл фаўтказилган ижтимоий сўровда респондентлар (59,2 фоиз) севги-мухаббат, қарашларнинг уйғунлиги, эр-хотин ўртасидаги самимий муносабатлар, улар таълим-тарбиясининг мутаносиблиги муваффакиятли никохни таъминлашда энг мухим омиллардан саналишини таъкидлаган. Шунингдек, 58,7 фоиз иштирокчи турмуш қураётганларнинг саломатлиги бўлажак оилада мустахкам ва фаровон хаётни таъминлашда катта роль ўйнашини айтган.

Ўзбек халқи қадим-қадимдан отани оила тўрининг эгаси, барча қарорларға рухсат берувчи, бажарилишини назорат этувчи ва оилавий муносабатларни мувофиклаштирувчи асосий шахс, деб билади. Бироқ айрим оилаларда етакчилик учун рақобат оқибатида келишмовчиликлар юз бераётгани хам сир эмас.

Уйлаб кўрайлик: бугун оила даврасида кўрилаётган баъзи хориж сериаллари кахрамонларига хос зинокорлик, беникох бола орттириш, хотиннинг эрига қарата «менинг хаётимга аралашма» дейиши — бизнинг хаёт тарзимизга, қарашларимизга қанчалар мос?! У бизни қайси йўлга бошлайди? Бу холатлар эртага хаётимизга кириб келмайди, деб ким кафолат беради?!.

Яқинда ўқимишли, тузуккина жойда ишлайдиган бир аёл билан сухбатлашиб қолдим: севган инсони бошқага уйлангач, оила қуришдан кўнгли қолибди. Отаси, акаси бўлатуриб, ўзича «тўгри» йўлни топган қиз сунъий йўл билан хомиладор бўлибди — қиз кўрибди. Хозир фарзандини тарбиялаяпти. «Кизим бўйга етгач, оила қуришини ўйласам, қилмишимга афсусланаман. Қизим отасини сўраса,

«Ота-оналар университети» тобора мухим ахамият касб этмокла. Оила ва махалла институтлари уйгун ривожлантирилмокда. Олмазор тумани Бешқўргон

махалласидаги 768 оилада 3372 киши истикомат килади. Улардан 7-18 ёшлилар қарийб 700 нафарни ташкил этса, 60 ёшдан ошганлар 400 нафардан зиёддир. Махалла ёшлари орасида спорт билан мунтазам шуғулланаётган, хорижнинг нуфузли олий ўкув юртларида тахсил олган, тадбиркорлик фаолияти билан машғул ёшлар талайгина. Энг мухими, мазкур махалла пойтахтимиздаги оилавий ажримлар сони энг кам кузатилаётган худудлардан хисобланади.

— Хар бир оиланинг ахволидан доимий бохабармиз, хар қандай мурожаатни дархол ўрганамиз, муаммога ўша вазиятнинг ўзида ечим топишга харакат қиламиз, — дейди махалла раиси Қобил Собиров. — Аксарият оилавий муаммолар ёшларнинг хали хаётга тўла тайёр эмаслигидан келиб чикмоқда. Бундай пайтларда бир хаётий мисол ёдимга келади: шахматчи мураккаб вазиятга тушса, ундан чиқиш йўлини излайди, аммо ўйинни тўхтатмайди. Ёшларни хаётга тайёрлашда ота-оналар масъулиятини янада ошириш тобора долзарб вазифага айланмоқда.

Махалла раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлокий тарбия масалалари бўйича маслахатчиси Дилноза Саъдуллаеванинг айтишича, арзимаган муаммо туфайли ажрашиш тараддудига тушаётганлар хам йўқ эмас. Айрим ота-оналар фарзандини турмушидан ажратиш оқибатини яхши ўйламайди. Баъзи йигитлар ўртада фарзанд бўла туриб, талоқ айтишни, айрим келинлар «жавобини олиш»ни оддий хол, деб ўйлайди. Холбуки, Муқаддас Китобда «талоқ айтилганда Арши аъло қахрдан ларзага келади», деб

— Турмуш қурганига уч ой ҳам бўлмаган келин-куёв ажрашмоқчи бўлиб келди, — дейди Дилноза Саъдуллаева. — Сабаб — келин эридан берухсат дугоналари билан шахар айланган. Бу куёвга ёқмаган. Қудалар ўз фарзандининг ёнини олиш билан овора. Шунда уларнинг ҳар бири билан алохида гаплашдик. Келинга «энди сен оилалисан, бир иш қилишдан аввал, эрингга маслахат солишни одат қил», дедик. Куёвга эса «келин ҳали ёш, қўл кўтариш ўрнига, унга масалани яхшилаб тушунтир, сен оила бошлиғисан, вазминроқ бўл», деб айтдик. Барака топсин, иккаласи ҳам тўғри тушунди, оила

Ахил-иноқлик бор жойда барака бўлади. Бешқўргон махалласидаги 79 ёшли Мирсолих ота Исроиловнинг 13 сотихлик ховлисида саккиз оила — 38 киши истикомат килади. Махалла фаолларининг айтишича, уларнинг ўртасида шу пайтгача бирор марта ҳам жанжал бўлмаган.

Махаллада ибратли оилалар кўп. Масалан, Сойиб ота ва Мунира ая Шамсиева қарийб 40 йилдан буён тинч-тотув яшаб келмокда. Уч ўғил ва бир қизни олий маълумотли, касб-хунарли, уйли-жойли қилишган. С. Шамсиев ўн олти йил олдин нон ва кандолат махсулотлари ишлаб чиқарадиган хусусий корхона ташкил этганди. Уни бугун фарзандлари ривожлантирмоқда: ҳар куни 9-10 тонна нон, етти хил қандолат махсулотлари тайёрланиб, дўконларга етказиб берилмоқда.

— Бир умр Шарқ педагогикасидаги «фарзандингни болалигида — султон, ўнг ва чап қўлини ажратгач — қул ўрнида кўр, вояга етгач — дўст деб бил» наклига амал килдим, дейди Сойиб Шамсиев. — Хеч қачон ўчоқ бошига бормадим, хотинимнинг ишига аралашмадим. Уч ўглим билан яшаймиз, қозонимиз бир, рўзгоримиз саришта. Оиламизда ҳамманинг вазифаси тайин. Болаларим мендан сир яширмайди, барчаси дарду қувончини очиқ айтади, маслахат сўрайди. Фарзанду неваралар камолини кўриш — катта бахт.

...Ха, ўз оиласида ўзини таниган инсон жамиятда хам мустахкам ўрин топади. Эзгу ишларини хонадонида амалга ошира олган одам эл-юртга хам наф келтира олади. Эр ёки аёл бўлсин, излаганини уйидан тополмагач, кўчага чиқиб кетади. Ўз оиласи билан фахрланган, оиласи орини асраган инсонда миллий ғурур, ирода, ўз кучига ишонч бўлади, уни хаётга боғлаб туради, тонгда шодон кўз очишга, тунда хотиржам ухлашга ундайди.

Авлодлар алмашган сайин оилавий муносабатлар хам шаклан ўзгариб, мазмунан бойиб бораверади. Бироқ ҳар қандай замон ва маконда хам илдизи сувдан узилмаган нихоллар ҳамиша куртак ёзиб, кўкка бўй чўзиб, хосил бераверади. Ўз қарашлари ва мезонларига эга, йўли ойдин, манзили ёруг халк карвонини ҳеч қандай куч чалғитолмайди. Зотан, Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, халқимизнинг қалбида не-не авлодлардан мерос енгилмас куч — маънавият

> Умид ЁҚУБОВ, ЎзА шархловчиси.



ровонлигига эришишни оила мустахкамлигини таъминлашдан бошлагани исботидир.

Халқимиз оила-никох муносабатларида ҳамиша «тенг — тенги билан» қоидасига қатъий амал қилади. Бу, ҳозир айримлар талқин этаётганидек, бойликка нисбатан эмас. Бу тамойил аввало икки ёшнинг характери мувофиқлиги, оилавий мухитлар мослиги, дидлар, урф-одатлар, эхтиёжу манфаатлар уйгунлигидир. «Эр-хотин — қўш хўкиз» мақоли гарчи сал тўпорирок эшитилса-да, оила устунлари ота-она оила мустахкам бўлиши учун ҳамкору ҳамжиҳат ҳаракат қилиши лозимлигини англатади. Эр-хотиннинг маънавий қарашлари ва хаётий мақсадлари ягона, барча муносабатларда ўзаро хурмат ва ишонч устун бўлган оила барқарордир. Ота-она никох муқаддаслиги, оиласи олдидаги бурчу вазифаларига итоат этса, оила қўргони янада мустахкам бўлади.

«Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан 2011 йил декабрда

«Ер — қуёш йўлдоши, хотин — умр йўлдоши», дейди халқимиз. Бугун ҳам оила мустаҳкамлиги кўп жихатдан оила бошлиғи ўз касбининг устаси, хўжалик юритиш ва оилани бошқаришда махоратли, фарзандлари учун ҳамиша юксак ибрат намунаси бўлишига боглиқлиги тобора ойдинлашмокда. Она эса ўз оиласи хурмати, шаъну гурурини асраб-авайлаш ва юксалтиришда эрига хар жихатдан энг яқин кўмакчидир. Зеро, никох мукаддас саналган оилада хамиша ишонч, эътикод, масъулият туйғуси устун бўлади.

КОВЖИРАЙДИ

Бугунги глобаллашув шароитида асрлар силсиласидан омон ўтиб келган, синовларда тобланган миллатимиз тафаккури махсули — оилавий кадриятларни ичдан емиришга гоявий тахдидлар кучаймокда. Шарқона ва ғарбона қарашлар ўртасидаги тўқнашувлар кескинлашиб, онгу қалбда, ҳаётда акс-садо бермокда

вобгармиз», деган экан. Оила мустахкамлиги ахли аёлимиз-

нима деб жавоб бераман, бил-

Улуғлардан бири «аёлнинг

хар қандай хатоси учун аввало

биз, эркаклар айбдормиз, жа-

майман», дейди алам билан.

ни қандай химоя қилишимизда кўринади. Мехр қўйиб, парвариш қилинмаган ҳар қандай гулу гиёх қуриб, оёқости бўлиб кетиши мумкин. ВАТАН ИЧРА МЎЪЖАЗ ВАТАН Халқимизда яхши бир одат

бор: уйга мехмон келса, ўгил бола сочиқ тутиб, қўлга сув қуяди. Мехмонлар бунга мухтож эмас, албатта. Мақсад шу бола махалла-кўйга аралашсин. тўртта одамнинг олдида ўзини тутишни ўргансин, хамиша унга нигохлар тикилиб туришини хис қилсин.

Махалладошлари имтихонидан ўтган фарзанд хаёт синовларига ҳам тайёр бўлади. Бугун мамлакатимиздаги таълимтарбия ишларида «оила-мактаб-махалла» концепцияси,

Бюджет маблағи жамоатчилик назоратида

ЭЛ МУЛКИНИ «ТУЯ» ҚИЛГАНЛАР

бир кунмас бир кун қонун олдида албатта жавоб беради

Ота-боболаримиз нафсни тубсиз ўпконга киёслайди. У жонзотни халок этгучи бир аждахоки, изидан эргашувчиларни доимо хавф-хатар домига тортади. Ризқ эса Яратганнинг ҳалол неъматидир. Айтишларича, нафс ортидан қувиш — бадхулқ бандаларнинг, халол ризқни излаш эса хушхулқ инсонларнинг иши экан. Баъзилар нафснинг халок этувчи ёхуд оғир гунохга ботирувчи мудхиш кучини пайқамайди. Хом сут эмган бандаларнинг яна бир тоифаси борки, бундайлар хар қандай холатда хам тегирмондан қуруқ чиқаман, деб ўйлайди, хатто қонунни хам писанд қилмайди.

Маълумки, ободонлаштириш муассасалари халқимиз ризқи бўлган бюджет маблаглари хисобига фаолият юритади. Бу маблагнинг катта кисми шахару қишлоқларимиз кўрки-жамолини ошириш максадида харжланади. Шу маънода, турмушимиз ободлиги, озода ва саранжом-саришталиги ана шу маблағларнинг мақсадли ва оқилона сарфланишига, бу ишга масъул идораларнинг фаолиятига бевосита боглик. Айни чогда бюджет маблаглари ижро хокимияти идоралари томонидан қандай сарфланаётгани жамоатчилик, айниқса, сиёсий партиялар назоратида бўлиши мухим ахамиятга эга. Афсуски, бу борадаги ишларни кучайтириш зарурлигини хаётнинг ўзи кўрсатмокда.

Исмоил Маткаримов Урганч шахар ободонлаштириш бошқармасига кўп эмас, 2009 йилнинг апрелидан 2010 йилнинг декабригача рахбарлик килди. Аммо шу муддатнинг ўзи у ва атрофидаги гумашталарига давлатнинг 64,8 миллион сўмлик маблағини ўзлаштириш, растрата йўли билан талон-торож қилиш, хужжатларни сохталаштириш, қилинмаган ишларни «бажарилди»га чиқариш, қўшиб ёзиш

ва шу хисобдан маблағни ўмариш, айни пайтда бу пулни ноқонуний равишда накдлаштириш, солиқ тўловларини четлаб ўтишдек кирдикорларни амалга ошириш учун етарли бўлди.

Ташкилот рахбарининг жиноятга мойиллиги мансабга ўтирган кунданоқ маълум бўлди. Бу хол кўпчиликка ботмади, аммо шум ниятли кимсаларга жуда маъқул келди. Бошқарманинг ободонлаштириш бўлими бошлиғи Абдулла Шомуродов, бўлим мутахассислари Бекберган Маримов, Рустам Отажонов, омбор мудири Улуғбек Календоров, бош уста Олимжон Тожиев, шунингдек, Урганч шахридаги «Хуршида савдо-сервис» корхонаси рахбарлари Икром Тожибоев ва Сардорбек Алимбетов. Хонка туманидаги «Турон Мадир қурилиш» масъулияти чекланган жамият хисобчиси Мақсудбек Юсупов, Шовот туманидаги «Шовот сохил сервис» масъулияти чекланган жамият рахбари Шухрат Қурамбоев мансаб курсисига ўтирган «ёшулли»нинг қонунсиз ҳаракатларига шерик бўлиб, бел боглаб ишга киришишди.

Хуфя режа натижаси шу бўлдики, «Турон Мадир қурилиш» ташкилоти билан шахарнинг «Шарқ», «Ўзбекистон овози», Махтумкули, «Тинчлик» кўчалари кўзбўямачилик билан таъмирланди. Лекин унинг қойилмақом «ижроси» қоғозларда бинойидек акс этди. Олғирларнинг дастлабки «ови» — 129,1 миллион сўмга тенг таъмирлаш ишларидан 38,3 миллион сўм ўмариш билан якунланди.

Шу тариқа, шахардаги 2-хаммом биносини таъмирлаш жараёнида 2,7 миллион сўм маблаг ўгирланди. Бошқарма қошидаги «Ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш» дирекцияси рахбари Жавлон Рўзиматов ва бош мухандис Бекчон Мадрахимов хамтовоклигида кўп ишлар «бажарилди»га чиқарилди. Бошқарма ходимларидан Абдулла Шомуродов ва Бекберган Маримов «ёшулли» Исмоил Маткаримов рахнамолигида бу сингари «таъмирлаш, ободонлаштириш» ишларига бош-кош бўлди.

Давлат маблағини ўмариб, чўнтаги қаппайган, димоғи шишган бу бандаларнинг нафси хакалак отиб бораверди. Жиноий гурухнинг кейинги кирдикори буни яққол тасдиқлади. Юқоридаги каби хуфя режа асосидаги жиноятлар шахарнинг «Хонка», М.Худойберганов, «Тинчлик», ал-Хоразмий, А.Баходирхон, П.Махмуд, ал-Беруний кўчалари, «Авесто» мажмуаси ва аз-Замахшарий боғини ободонлаштириш тадбирлари чогида яна давом этти-

Бунгача эса шахарнинг «Истиклол» кўчасидаги йўл «мукаммал таъмирланди», 69,2 миллион сўмлик ишнинг 14,8 миллион сўми факат когозда акс этди. Олғирлар Гурлан ва Урганч туманлари йўл хўжалиги корхоналари билан шартнома тузиб, ишларни уддаланганга чикарди ва шунча пулни «пудратчи» корхона хисоб рақамига ўтказиб юборди. Бундан ташқари, шаҳарнинг бир қанча махаллалари худудига аслида экилмаган 1850 туп дарахт кўчати хам «экилди»га чикарилди. 1,9 миллион сўм пул ана шу ишга «харжланди». Шахарнинг «Ўзбекистон» кўчасини мукаммал таъмирлаш ва мавжуд дренаж қудуқларини жорий қайта тиклаш ишларидан «тежалган» 3 миллион сўм хам ёнга қолди.

2010 йил 22 сентябрь куни бошқарма омборчиси Улугбек Календоров шахардаги «Хуршида савдо-сервис» корхонаси расмий рахбари Сардорбек Алимбетов ва унинг норасмий бошлиғи Икром Тожибоев билан ўзаро тил бириктирди. Кўп ўтмай, бошқарма ва савдо корхонаси ўртасида олди-сотди шартномаси расмийлаштирилди. Унга кўра, сотувчи томон бошқармага 1 минг 414 тонна ўғит ва бошқа айрим товарлар етказиб бериш мажбуриятини олади.

Бирок ободонлаштириш бошкармаси рахбарлари гул, дов-дарахт дегани ўгит солмаса ҳам барқ уриб ўсаверишини яхши билишарди. Мабодо ўсмай қолганда ҳам улар ҳеч нарса йўқотишмайди. Ахир маблағ давлатники-ку. Боз устига, шахарда ерга нега ўгит солмадинг, деб сўрайдиган рахбарнинг ўзи йўқ. Алқисса, биров билмас тарзда расмийлаштирилган 10,2 миллион сўм маблаг эвазига харид қилинган моллар гўёки эгасига «етказиб берилади». Молларнинг накд пул холидаги қиймати эса тезда бошқарма мутасаддилари чўнтагига тушади.

Биз санаб ўтган сохта ишлар хали хаммаси эмас. «Турон Мадир қурилиш» жамиятида хисобчи вазифасида ишлаган М.Юсупов Урганч шахрини ободонлаштиришдек хайрли ишларни бахолашга нукул ўзи ва жиноий гурухнинг шахсий манфаатларини кўзлаган холда ёндашди ва бунинг окибатида давлат ғазнасига жами 38.3 миллион сўмлик моддий зиён етишига йўл очиб берди. «Шовот сохил сервис» масъулияти чекланган жамият рахбари Ш. Курамбоев шахар худудидаги баъзи йўлларни таъмирлаш бўйича амалга оширилган ишларни бўрттириб кўрсатишни қойиллатиб қўйди. Натижада давлатнинг яна 7,8 миллион сўм маблағи «туя» қилинди. Бошкарма мутахассиси Р.Отажонов шаҳар кўчаларига ётқизилмаган 14,9 тонна асфальт-бетон қоришмаси, 420 квадрат метр хажмдаги асфальт қопламасини бир зумда «ишлатиб» юборди ва давлатнинг миллионлаб сўм маблағини ҳамтовоқлари билан бирга ўзлаштирди. Бошқармада катта уста вазифасида ишлаган О.Тожиев хизмат тақозосига кўра, шахардаги дренаж қудуқларни таъмирлаш ва соз холда ишлашини таъминлаши лозим эди. Афсус, нафси бунга имкон бермади. «Бошқалар ўмарганда мен қараб тураманми», деган қабилда иш тутди. Оқибатда у ҳам миллион-миллион сўмни хомталаш қилишга сабабчи бўлди.

Давлатимизнинг бу маблаглари аслида эзгу мақсадга — кўча ва йўллар, хиёбонлар, махаллаларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришга, Урганч шахри янада кўркам ва озода бўлишига сарфланмоги зарур эди. Аммо бундай бўлмади.

Харом лукма бир кун эмас, бир кун барибир тешиб чиқади. Халқнинг ҳақи куйдиради. Ободонлаштириш бошқармасида ҳам шундай бўлди.

Сохта далолатномалар, ишонч қоғозлари, ясама хужжатлар билан «ёпилган» кингирликлар дастлабки тафтишдаёқ қалқиб юзага чикди. Жиноят ишлари бўйича Урганч шахар суди Маткаримов бошлиқ уюшган жиноий гурухни Жиноят кодексининг 167-, 189-, 190-, 205- ва 209-моддаларида кўзда тутилган жиноятларни содир этганликда айблади. Судланувчилар бу айбларга икрор бўлишди. Давлат ғазнасига етказилган зарарни тўла қоплашди. Суд бу холни инобатга олиб, қонунчлигимизда аксини топган бағрикенглик тамойилига суянган холда, айбланувчиларни мукаррар жазодан халос этди.

Яна бир жиноий гурух аъзолари Маткаримов, Календоров, Юсупов, Курамбоев, Маримов, Шомуродов, Отажонов, Тожиев, Тожибоев, Алимбетовларнинг хар бирига энг кам иш хақининг 100 дан 200 бараваригача микдорда жарима тайинлади, шунингдек, муайян муддатга ахлоқ тузатиш ишларига жалб килинди.

Бироқ инсон учун энг катта жазо эл-юрт назаридан қолиш, оиласи ва жамоа олдида юзи кора бўлиш. Моддий неъматни йўқотиш қимматга тушмайди. Обрўсини йўқотган эса уни тиклай олиши қийин. Буни ҳаёт кўп бор исботлаган.

Гайрат СОБИРОВ. Жиноят ишлари бўйича Урганч шахар суди раиси, Абдулла СОБИРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

БЎЛАЖАК ЧЕМПИОНЛАР

Қашқадарё вилояти «Насаф» футбол клуби қошидаги футбол мактабида истеъдодли спортчиларни тарбиялаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётир. 670 дан зиёд бола тарбияланаёттан мактабда барча қулайликларга эга замонавий ўқув биноси, спорт майдонлари, 70 ўринли ётоқхона ва ошхона мавжуд. Клубда яратилган кенг имкониятлар, машғулотларнинг тажрибали мураббийлар томонидан юқори савияда, илгор усуллар асосида олиб борилиши ёш футболчиларнинг куч ва махорати, ўзига бўлган ишончини оширмоқда.



Жамшид НОРҚОБИЛОВ (ЎзА) олган сурат

Ўзбек футболи юлдузлари

У ХАҚИҚИЙ ФУТБОЛЧИ, ЧИНАКАМ инсон эди

Узбек футболи тарихига назар ташлайдиган бўлсак, унда ўзига хос из қолдирган кўплаб футбол фидойилари номига кўзимиз тушади. Футбол мухлислари орадан ярим асрдан кўпрок вакт ўтган бўлишига қарамасдан, уларни фахр-ифтихор билан ёдга олади. Бугун дунёга бўй кўрсатаётган ўзбек футболининг ривожига мана шундай инсонлар катта ҳисса қўшишган. Улардан бири машҳур футболчи ва мураббий Хамид Рахматуллаев эди.



У 1942 йилнинг 28 январь куни Тошкентнинг эски шахар қисмида таваллуд топди. Болалигиданоқ футболга мехр қўйди. Ўша пайтларда унинг учун фақат битта мақсад бор эди: «ҳаммадан яхши ўйнаш». Шу сабабли хам болалик пайтлариданоқ унда етакчилик қобилияти яққол кўзга ташлана бош-

Хамид келажакда кучли футболчи бўлиш мақсадида жисмоний тайёргарликни ошириш. махоратини ошириш учун тинимсиз шуғулланди. 1956 йилда спорт мактаблари ўртасида ўтказилган футбол мусобакасида голиб бўлди. 1957 йилдан «Спартак» сафида тўп сура бошлади. Айнан шу клуб

1 февраля 2012 г. включительно.

унга катта футболга йўл очиб берди. Уни «Пахтакор» ўсмирлар жамоаси са-

Футболчи «Пахтакор» даги илк ўйинини 1960 йилда (айнан шу йилда Пахтакор» собик иттифок олий лигасида қатнаша бошлаган) ўтказган. Ушанда тошкентликлар Харьковнинг «Авангард» клубини қабул қилганди. Хужумчиларнинг харакатларидан қониқмаган бош мураббий Александр Келлер ёш Хамидни майдонга хужумни кучайтириш максадида туширди. Фаолиятининг бошида хужумчи сифатида қайд этилган футболчи кейинчалик мураббийларнинг кўрсатмасига асосан хужумчи ортидан жой олади (у пайтларда футболда «плеймейкер» атамаси ишлатилмасди). Шу тариқа Хамид Рахматуллаев жамоанинг хужумларини ташкил этишда мухим ўрин эгаллади.

1962 йилда футболчи тиззасидан жиддий жарохат олди, Москвада операция қилишди ва яна футболга қайтди. Хамид Рахматуллаев «Пахтакор» сафида 185 та учрашувда майдонга тушиб, 19 та гол киритди. Аммо жарохат ўз кучини кўрсатмай қолмади ва Хамид Рахматуллаев 1970 йилда, айни кучга тўлган 28 ёшида футболчилик фаолиятини якунлашга мажбур бўлди. У кейинги фаолиятини жонажон жамоасида мураббий сифатида давом

1972 йилда «Пахтакор»нинг олий лигага чиқишига ўзининг муносиб хиссасини қўшган Хамид Рахматуллаев «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий» унвони билан такдирланди. Кейинчалик Москвада мураббийлар тайёрлаш олий мактабини тамомлаб.

«Пахтакор» да жамоа бошлиги сифатида ишлай бошлади. 1978 йил 12 апрель куни у «Пахтакор» — «Локомотив» (Москва) учрашувини бошқарган хакамларни кузатаётиб, автохалокат натижасида вафот этди. У эндигина 36 ёшга тўлганди. Хамид Рахматуллаевнинг вафоти нафақат оиласи ва уч нафар фарзандининг, балки юртимиз футболи учун катта йўқотиш бўлди.

Шокир ИСМОИЛОВ: — Биз 1957 йилда, «Спартак» ўсмирлар жамоаси сафида тўп суриб юрган пайтимизда танишганмиз. Ўша пайтдаёқ у таниқли футболчи эди. Ишқибозларнинг футболчини кўриш учун стадионга келиши кам кузатиладиган холат. Аммо ишқибозлар айнан Хамидни кўриш учун келишарди. Унинг техникаси ўта юқори, майдондаги вазиятни аниқ белгиларди. У Москвада ўкиб юрган пайтида мен иш билан у ерга бордим ва албатта Хамид билан учрашдим. Ўша куни «Динамо»нинг таникли дарвозабони Алексей Хомич бизни уйига таклиф қилиб қолди. Биз ажойиб палов тайёрлаб, турли мавзуларда сухбатлашиб ўтирдик. Шунда Хомич ўзининг буюк Пеле билан учрашганини хикоя қилиб берди. Шунда мен унга «Мана, энди «ўзбек Пелеси» билан ҳам танишдингиз», дедим.

Ахрол ИНОЯТОВ: — Мен «Пахтакор»га 1963 йилда келганман. Ўшанда жамоа Чигатойда яшарди ва бизни Хамид Рахматуллаев билан бир хонага жойлаштиришди. У доимо хотиржам юрарди. Бирор марта овозини баландлатиб гапирганини эслай олмайман. Уни хамма хурмат қиларди. Майдонда хам, унинг ташқарисида ҳам обрўси баланд эди. Ахир бекорга шунча йил жамоа сардори бўлмади. У жуда кам-

Баходир ИБРОХИМОВ:

— Фаолиятимни якунлаган пайтимда мени Хамид билан Москвага мураббийлар мактабига ўкишга жўнатишган. Шерик борасида омадим келганидан хурсанд бўлдим. Ўтган икки йил изсиз кетмади. Биз кучли мураббийлардан кўп нарсаларни ўргангандик. Унда замонавий мураббий учун керакли бўлган барча жихатлар мужассам эди.

Тўлаган ИСОҚОВ:

— Мен «Пахтакор» га 17 ёшимда келганман. Илк кунларданоқ Хамид Рахматуллаев менга ғамхўрлик кўрсата бошлаган. Биз базада бир хонада истиқомат қилардик. Дастлабки машғулотлардаёқ Хамид аканинг атлетик махоратига тан бергандим. Ундан ибрат олишга интилардим. Наримон ЖАЛОЛОВ,

Узбекистон футбол федерацияси фахрийлар кенгаши раиси:

 — Ҳамид билан 1961 йилда танишганмиз. Ўшандаёқ унинг кўзларида кучли иштиёқ, футболга садоқат ҳисси яққол кўриниб турарди. Мен жамоа билан Ливан ва Ироқ сафарларида бирга бўлганман. Ўшанда мураббий Борис Аркадьев хар ўйиндан олдин Хамиднинг фикри билан қизиқарди, асосий таркибни аниклашда унинг фикрини инобатга оларди...

Яхшилар ёди, хотираси ҳеч қачон қалблардан ўчмайди. Орадан йиллар ўтган бўлса ҳам Ҳамид Раҳматуллаев фақат яхши сўзлар билан эсга олинади. Бу унинг нафақат яхши футболчи бўлганлигидан, балки инсоний фазилатлари хам юкорилигидан далолат беради. Тошкент шахридаги кўчалардан бири унинг номи билан аталади. Бугунги кунда машхур футболчининг ўгли Сардор Рахматуллаев отасининг ишини давом эттириб, ўзбек футболи ривожига ўз хиссасини қўшяпти. Айни кунда у Ўзбекистон футбол федерациясининг вице-президенти лавозимида ишламокда.

Яқинда спорт журналисти Владимир Сафаров машхур футболчимиз хакида каттагина китоб ёзди. Энди Хамид Рахматуллаевнинг умр йўли бугунги ёш футболчиларимизга ҳам ибрат бўла-

> Темур АЪЗАМ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Буни хамма билиши керак

МОБИЛЬ ТЕЛЕФОН ЭЛЕКТРОМАГНИТ ТЎЛҚИНЛАРИ САЛОМАТЛИК УЧУН **ЗАРАРЛИ**

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти мутахассислари, тиббиёт ходимлари, олимлар мобиль телефон тарқатган электромагнит тўлқинлар бош мия фаолиятини бузиши, хотирани сусайтириши, рак (ўсма) касалини юзага келтириши, хужайрадаги генларга таъсир қилиб ирсиятни ўзгартириши каби зарарли оқибатлари **хақида ёзишмоқда, қайта-қайта таъкидлашмоқда. Унинг зарари** кўламини тасаввур қилишингиз учун оддий мисол: мутахассислар ишлатилмаётган мобиль телефон боладан бир ярим метр узокда бўлиши кераклигини маслахат беришади. Бир ярим метр! Бу мобиль телефон ишлаганда эса албатта саломатликка зарар етказиш доираси кенгаяди деганидир.

Энди ўзингиз тасаввур қилинг: автобус салонида 70-80 нафар йўловчи кетаяпти. Уларнинг хар бирида камида биттадан мобиль телефон бор. Камида уларнинг ярми мобиль телефондан фойдаланаяпти. Хосил бўлган электромагнит тўлкинлар салондаги йўловчиларнинг, айникса, болаларнинг саломатлигига зарар етказади. Бу автобусда кетаётган, хали организмида иммунитети шаклланмаган болаларнинг келгусида рак ёки бошқа касалликка чалинмаслигига ким кафолат бера олади?

Юртимизда соғлом авлодни тарбиялаш, вояга етказиш — бош вазифа! Шундай экан, одамлар, айникса, болалар саломатлигига путур етказадиган мобиль телефондан меъёрсиз фойдаланишга қарши кечиктирмасдан кураш бошлашимиз даркор. Болаларнинг келгусида мобиль телефонлар тарқатаётган электромагнит тўлкинлари натижасида рак ва бошка касалликларга чалинишига ортик токат килиб бўлмайди.

Бу эзгу мақсадни амалга оширишда синовдан ўтган халқ тажрибасидан фойдаланган маъкул. Тамаки махсулотлари ва спиртли ичимликларни чеклашга доир конунлар энди-энди қабул қилинди. Холбуки, чекишга қарши кураш 35-40 йил илгари бошланганди. Жамоат транспорти, жамоат жойларида «Чекиш мумкин эмас» деган эълонлар осилди, айрим муассаса, худуд, шахар-туманларда чекиш тақиқланди. Кенг жамоатчиликнинг оёққа туриши ўз самарасини берди.

Бир дўстим давлат ташкилотида ишлайди. Улар эрталаб мобиль телефонларини эшик олдидаги хонага топшириб, кейин иш бошлар экан. Иш тугагандан кейин хамма мобиль те-

лефонларини олиб кетаркан. Юкоридан кўрсатма кутмасдан мобиль телефондан фойдаланишни тақиқлагани учун шу ташкилот рахбарининг отасига рахмат! Демак, хамма ўзи масъул ташкилотда хеч кечиктирмасдан мобиль телефондан фойдаланишни чеклаши мумкин.

Ўтган асрнинг 90-йилларида Америкада ракдан вафот этган аёлнинг иши судда қайта кўрилди. Адвокатлар бу аёлда рак касалини айнан мобиль телефони юзага келтирганини исботлашди. Юртимизда мобиль телефонлар кириб келмасдан аввал унинг саломатликка зарари дунё ахлига маълум эди. Ўша вақтда биз мобиль телефоннинг зарарли оқибатларини билмасдик. Эндиликда биз хам бундан огохмиз. Шундай экан, зудлик билан болалар муассасаларида, тиббиёт ва таълим масканларида, жамоат жойларида, транспорт воситаларида мобиль телефондан фойдаланишни тақиқлаш зарур. Унутманг, бу ўзимизнинг, атрофдаги одамлар нинг, болаларимизнинг саломатлиги-



Ранее объявленный конкурс Государственным унитарным

инвалидов и обслуживания пассажиров с ограниченными

Ранее объявленный конкурс Государственным унитарным

СДАБ аэропорта «Ташкент» продлевается до 1 февраля 2012 г.

предприятием «Toshkent Xalqaro Aeroporti» на приобретение новых

Манзил: Тошкент шахри, Абай кўчаси, 6.

Тел: 244-39-47, 244-50-54,

ракамли шаходатнома йўколганлиги сабабли

Ўзбекистон Ошпазлар уюшмаси жамоа-

Шариф СОЛИХОВнинг

вафоти муносабати билан мархумнинг оила

аъзоларига чукур таъзия изхор этади.

специальных технических средств для оперативно-технической группы

«ЎЗВИНОСАНОАТ-ХОЛДИНГ» КОМПАНИЯСИ

Иш тартиби: душанба — жума кунлари соат 9 дан 18 гача.

Тошкент шахар, Яккасарой туманидаги 144-сонли умумий ўрта таълим мактаби

томонидан 2011 йил 17 июнда Комила Босит қизи номига берилган U № 5211260

БЕКОР КИЛИНАДИ.

барча тадбиркорларни компания кооперация-кургазмасининг

доимий ишловчи экспозициясига таклиф этади.

предприятием «Toshkent Xalgaro Aeroporti» на приобретение

инвалидного кресла-каталки, соответствующего стандартам и

качеству, для обслуживания и транспортировки пассажиров-

ГУП «TOSHKENT XALQARO AEROPORTI»

физическими возможностями в количестве 6 штук продлевается до

Реклама

Барча қурилиш ташкилотлари рахбарлари диққатига!

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ХОКИМЛИГИНИНГ КУРИЛИШДА «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

2012 йил Инвестиция дастури объектлари қурилиши бўйича

ПУДРАТ ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЭЪЛОН КИЛАДИ

№ п/п	Объект номи	Бошланғич нархи ҚҚС билан (сўм)	Бошланғич нархи ҚҚСсиз (сўм)	Курилиш муддати
1.	Ховос тумани «Фарход-5» қўргонидаги 1-махсус мактаб мукаммал реконструкцияси	381 145 279	317 621 066	150 кун
2.	Сирдарё туманидаги 71-махсус мактаб-интернати мукаммал реконструкцияси	358 324 696	298 603 914	150 кун

Курилиш ишларини молиялаштириш: Бюджетдан ташқари умумтаълим ва тиббий муассасаларни таъмирлаш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш жамгармаси маблаглари хисобидан молиялаштирилади.

Буюртмачи манзили: Сирдарё вилояти, Гулистон шахри М.Ахтамова кўчаси, 30 уй. Тел: 8 (3672) 27-63-86

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: хисоб ракамида танлов савдолари предмети қийматининг камида 20% миқдоридаги бўш айланма маблағи ёки кўрсатиб ўтилган маблагга банк кафолатномаси бўлиши, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг

мавжудлиги, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фукаролик-муомала хуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари, ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги, ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми 50 фоиздан кам бўлмаслиги шарт.

Узбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 феврал ПП-1475-қарорига асосан, давлат бюджети маблағлари ва бошка марказлаштирилган манбалар хисобидан молиялаштириладиган 500,0 млн. сўмгача бўлган қурилиш ва қайта қуриш объектларига ўтказилган танлов савдолари фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилади.

Савдода қатнашиш ва тендер хужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Гулистон шахри, М. Ахтамова кўчаси, 30-уйда жойлашган Сирдарё вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш худудий консалтинг марказига куйидаги телефон бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Тел (факс): (8 3672) 27-64-42 Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига такдим этишнинг охирги муддати - оферталар очилиш куни ва соати. Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 15 кундан кейин ўтказилади.

ни асраш учун керак! Асрор МЎМИН ОБ-XABO 28-29 – 01. 2012 Юртимиз бўйлаб (°C) **Корақалпогистон Республикаси ва** Хоразм вилояти -7 / -12 +5 / +10 93 Бухоро ва Навоий вилоятлари +5 / +10 Тошкент, Самарканд, Жиззах хамда Сирдарё вилоятлари +4 / +9 Қашқадарё хамда Сурхондарё вилоятлари +7 / +12 Андижон, Наманган хамда Фаргона вилоятлари +2 / +7 -1 / -6 8 Тошкент шахри -3 / -5 +7 / +9 8 Дунё бўйлаб (°С) Лондон +5 / +4 +7 / +4 -12 / -13 Мадрид +2/-1SHE -1 / -2 Гонгконі +15 / +16 +3 / +5 000 Анқара -3 / -2 (B) Токио +4 / +6 COPA-Стокгольм -2 / -3 Кейптачн +20 / +22 +23 / +26 Кохира +21 / +25 Гавана +10 / +12 Вашингтон

MUASSIS:

си пазанда

включительно.

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK **PARTIYASI**

MARKAZIY KENGASHI

Abdulla ORIPOV Latif G'ULOMOV **Bobir ALIMOV** Sharbat ABDULLAYEVA Murodulla ABDULLAYEV Ulug'bek MUSTAFOYEV Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari) **G'affor HOTAMOV**

(Bosh muharrir o'rinbosari)

TAHRIR HAY'ATI:

МЧЖ «Консаудитинформ» Агентлиги жа-

моаси аудитор Шухрат Тўйчиевга укаси

вафоти муносабати билан чуқур таъ-

Шавкат ТЎЙЧИЕВнинг

зия изхор этади.

Muslihiddin **MUHIDDINOV** Ochilboy RAMATOV Saidahmad RAHIMOV

BO'LIMLAR:

Partiya hayoti - 233-10-13; Madaniyat va sport - 233-69-45; litimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55; Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targʻibot — 233-12-56; Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kotibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar koʻchasi, 32-uv.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda roʻyxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxong manzili: Buyuk Turon koʻchasi, 41-uv. Gazeta ofset usulida. A-2 formatida bosildi. Haimi 2 bosma tabou.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

•		
	Г — 146	Ĩ
	19452	
	nusxada	
	bosildi.	

t — Tijorat materiallari OʻzA yakuni — 22.30 Topshirilgan vaqti — 00.00 Zafar BAKIROV 1 2 3 4 5

Navbatchi:

Sahifalovchi-dasturchilar:

Sobirjon TUNG'ATOV.

Mirbaxtiyor MIRFAYZIYEV